

МАХАМАДХОДЖАЕВ Баҳромхўжа
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
ўқитувчиси

АРАБ ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРИХИДА БАСРА МАКТАБИНИНГ ЎРНИ

МЕСТО ШКОЛЫ БАСРЫ В ИСТОРИИ АРАБСКОГО ЯЗЫКОЗНАНИЯ

THE PLACE OF THE SCHOOL OF BASRAH IN THE HISTORY OF ARABIC LINGUISTICS

Аннотация. Араб халифалигида тилшуносликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши амалий эҳтиёжлар билан боғланади. Яъни бу даврда эски ёдгорликлар ва Қуръон тили билан жонли араб тили (шевалари) орасида катта фарқланиш юзага келади. VII-VIII аср араб тилшунослигининг дастлабки марказлари Ироқнинг Басра ва Куфа шаҳарлари ҳисобланган. Мақолада араб тилшунослиги тарихида Басра мактабининг тутган ўрни, асосчилари ҳақида маълумот берилади.

Калит сўзалр: араб тилшунослиги, VII-VIII аср, Ироқ, тилшунослик мактаблари, Басра мактаби, вакиллар, мусулмон дунёси, классик араб тили, шевалар, олимлар.

Аннотация. Возникновение и развитие языкознания в Арабском Халифате связано с практическими потребностями. То есть, в этот период существует большая разница между языком Корана и живым арабским языком (диалектами). Первыми центрами арабского языкознания в VII-VIII вв. были иракские города Басра и Куфа. В статье рассказывается о роли школы Басры в истории арабского языкознания и ее основателях.

Ключевые слов: арабское языкознание, VII-VIII века, Ирак, школы языкознания, школа Басры, представители, мусульманский мир, классический арабский язык, диалекты, ученые.

Annotation. The emergence and development of linguistics in the Arab Caliphate is connected with practical needs. That is, during this period there is a big difference between the language of the Koran and the living Arabic language (dialects). The first centers of Arabic linguistics in the 7th-8th centuries. were the

Iraqi cities of Basra and Kufa. The article tells about the role of the Basra school in the history of Arabic linguistics and its founders.

Keywords: Arabic linguistics, 7th-8th centuries, Iraq, schools of linguistics, Basra school, representatives, Muslim world, classical Arabic, dialects, scholars.

КИРИШ

Араб халифалигида тилшуносликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши Ҳиндистондаги каби, амалий эҳтиёжлар билан боғланади. Яъни бу даврда эски ёдгорликлар ва Қуръон тили билан жонли араб тили (шевалари) орасида катта фарқланиш юзага келади. Бир томондан мусулмон дунёсининг муқаддас диний китоби бўлган «Қуръон»ни тушунарли қилиш, ундаги сўзларни тўғри ва аниқ талаффуз қилиш, иккинчи томондан, классик араб тилини шевалар таъсиридан сақлаш мақсадида араб олимлари тил масалалари билан жиддий шуғулланишга киришдилар. Араб тилшунослиги ўз тараққиёти даврида ҳинд ва юнон тилшунослиги ютуқларига, ўз аналарига танқидий ва ижобий ёндашган. Араблар ўз тилларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улардан фойдаланганлар. VII-VIII аср араб тилшунослигининг дастлабки марказлари Ироқнинг Басра ва Куфа шаҳарлари ҳисобланган. Басра ва Куфа шаҳарларида иккита лисоний мактаб ташкил топган бўлиб, улар ўртасида тилшуносликнинг кўпгина масалалари юзасидан «фикрлар жанги», қизғин баҳслар, мунозаралар олиб борилган. Ушбу лисоний мунозаралар тилшунослик фанининг маркази Араб халифалигининг пойтахти бўлган Боғдод шаҳрига кўчирилгандан сўнг тўхтаган [10:248].

АСОСИЙ ҚИСМ

Араб тили грамматикасининг – наҳвнинг ривожланишига, Ироқнинг икки Басра ва Куфа шаҳарларидаги илмий мунозаралар ва уларнинг жўшқин фаолиятлари катта таъсир кўрсатди. Бу борада Имом Муҳаммад Абдулазиз ан-Нажжор ўзининг «Дияус-солиҳ ила авзоҳ ал-масолик» [15:172] китобида шундай деб ёзади: «Ироқ Дажла ва Фрот дарёларининг орасида жойлашган, иклими мусаффо, ерлари ҳосилдор ўлкадир». Дарҳақиқат, араб тилшунослигининг яратилиши, ривожланиши ва тез фурсатда

мукаммал даражага етишлигида Басра тилшунослик мактаби муҳим аҳамият касб этган. Тан олиш керакки, наҳв илми Басрада вужудга келди ва энг кўзга кўринган олимлар ҳам айнан шу юртда ўз иктидорларини намоён қилишди [13:525].

Бу ҳақида Муҳаммад Абдулазиз ан-Нажжор ўзларининг “Зияус-солиҳ ила авзоҳил-масаалик” асарида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтади: “Басра Нажд саҳросига яқин бўлгани сабаб, у ерга савдо ишлари билан турли шаҳарлардан савдогарлар кела бошлади. Улар орасида олимлар, шоирлар ҳам бор эди. Кейинчалик, шаҳарда шеърят ва адабиёт билан машғул бўлган кишилар ўртасида турли хил мунозаралар бошланиб кетди. Наҳв олимлари араблар оғзидан соф араб лаҳжасини эшитиш учун анжуманлар ўтказар эди. Бу ишлар уларга наҳв қоидаларини тартиблаб, режага солишга ёрдам берди” [15:172].

Қолаверса, Басра шахрига қўшни мамлакатлардан одамлар наҳвшунослардан таълим олиш учун келишар ва тўплаган билимларини ўз шаҳарларига олиб кетардилар. Буларнинг ҳаммаси араб тилшунослик фанининг шаклланиши ва ривожини учун қулай шароит яратди. Тилшунослик фан сифатида Басра ва Куфа шаҳарларида шаклланди. Халифалик тахтига Аббосийлар келгунга қадар ва илм маркази Бағдодга ўтгунча Басра ва Куфа грамматик мактаблари ўртасида кескин кураш кетди ва ўша кураш заминида тилшунослик ривож топди.

Араб тилшунослигининг илк вакиллари сифатида кўпчилик адабиётларда Халифа Али ва Абуласвад ад-Давла эътироф этилади. Абуласвад (тахминан 688 йилларда Басрада вафот этган) гоҳ Ҳазрат Алининг ўқувчиси, илк араб грамматикасининг муаллифи, гоҳ Ҳазрат Али яратган грамматиканинг техник ижрочиси сифатида нақл қилинади. Ҳар ҳолда, Ҳазрат Алининг ҳам грамматикага алоқадор шахс эканлиги маълум.

Басра мактабининг илк вакиллари Иса ас-Сағфий (766 йили вафот этган), Абу Амр ибн ал-Ала (689 йили Маккада туғилиб, Басрада ижод қилган ва 770 йилда Куфада вафот этган) ва Юнус ибн Ҳабиблар ҳисобланади. Уларнинг асарлари сақланиб қолмаган бўлса-да, лекин араб тилшунослигининг кейинги босқичи учун пухта замин ҳозирлаган.

Араб тилшунослигининг бу уч бобокалони фаолияти Басра мактабининг энг кўзга кўринган вакилларида бири Халил ал-Фароҳидий (тахминан 718 йилда туғилиб, 791 йили Басрада вафот этган) ижодида ўз якунини топди.

Халил ал-Фароҳидийнинг араб тили «Китобул айн» номли дастлабки луғатни ва «Китобул авомил» қўлланмасини яратди. Бироқ бу китоблар бизгача етиб келмаган. У араб тилшунослигининг ҳақиқий отаси сифатида кўпчилик томонидан эътироф этилади.

Шунингдек, илк араб тилшунослигининг энг кўзга кўринган грамматикачиларидан бири Халилнинг шогирди Сибавайҳий саналади. Унинг «ал-Китоб» асари сақланиб қолган. «Ал-Китоб» араб тили грамматикасининг энг яхши намунаси сифатида кейинги авлодлар ўртасида ҳам машҳур бўлди. Сибавайҳ Басра наҳв мактабининг етук намоёниси ва унинг ёзган китоблари асосий қўлланма ҳисобланади. Халилнинг яна бир шогирди ал-Асман (740 йилда туғилган, 828 йилда вафот этган) араб диалектологиясига асос солди [11:365].

Бундан ташқари Ахшаф, Юнус ибн Ҳабиб, Язидий, Жаримий, Мозиний, Мубаррад, Заҷжож ибн Сирож, Ибн Дарствайх Форисий, Сирожий ва бошқалар Басранинг машҳур уламоларидир. Испаниянинг Андалусия вилоятидаги Гренада шаҳрида туғлиб, Мисрда яшаган, аслида эса Африканинг бербер қабиласига мансуб бўлган Асируддин Абу Ҳайём ал-Андалусий олтимишга яқин асар ёзган бўлиб, уларнинг бештаси бизгача етиб келган [3:584].

Унинг баъзи асарлари туркий халқларнинг тарихи ва тилига бағишланган. Булар: 1) «Китобул афъо фил-лосон-ит туркия» (Турк тилидан иш китоби); 2) «Китоб захвал мулк турк» (Турк синтаксиси соҳасидан ёрқин китоб); 3) «Аддатул мудитъа фил луғатит туркия» (Турк тили тарихи); 4) «Китоб ал-идроки лосонул атроқ» (Турклар тилини тушуниш китоби).

Бизга ана шу сўнгги асар маълум “Турклар тилини тушуниш китоби” (қисқача: “Китоб ал-идрок”) Қоҳирада 1312 йилда араб тилида ёзилган. Қўлёзма 132 бетдан иборат. У кейинчалик Истамбулда икки марта нашр қилинган. Асар мамлук туркларнинг қипчоқ-оғиз аралаш тили материалларига асосланган. “Китоб ал-идрок” қисқача муқаддима, луғат ва грамматика қисмларидан иборат. Муқаддима

қисмидан маълум бўлишича, Абу Ҳайём тилнинг структура элементларини ўша даврдаёқ уч бўлим (луғат таркиби, морфология ва синтаксис) дан иборат деб ҳисоблаган. Чунки у тил ўрганиш учун уч нарсани: 1. Айрим олинган сўзларнинг маъноларини; 2. Сўзларнинг турланиши ва тусланиш коидаларини (морфологияни); 3. Сўз бирикмаларини (синтаксисини) билишни тавсия этади. Маълумки, Европа тилшунослигида бу таълимот фақат кейинги вақтдагина, яъни XI асрнинг охиридагина юзага келади. Абу Ҳайём асарининг луғат қисмида туркий сўзлар араб алфавити тартибда жойлаштирилган. Унда тахминан 2760 та сўз бор. Морфология қисмида сўзлар одатдаги анъанага мувофиқ уч туркумга ажратилган: от, феъл, ҳарф (ёрдмчи сўзлар ва аффикслар). Бу қисмда туркий тилларнинг сўз ясаш, сўз ўзгартириш ва шакл ясаш системаси тасвирланади. Асарда туркий тил синтаксисининг баъзи томонларига ҳам тўхталган. Араб тилшунослигида, умуман, синтаксис грек, ҳинд тилшунослигидек кучсиз ишланган эди. Форс миллатига мансуб бўлган Ферузободийнинг туғилган ва вафот этган йили ҳақида икки хил фикр бор [15:145].

Басра мактабининг кейинги йирик вакили Муҳаммад ибн Дурейд ўздан олдин ўтган устозлари анъаналарини давом эттирган ҳолда, жонли араб тилининг сўз бойлигини тўплади. У қиличнинг 500 дан ортиқ, туянинг 1000 дан ортиқ номи бор эканлигини кўрсатади. Лекин уларнинг кўпи диалектал вариантлар ва индивидуал бадий эпитетлар эди [7:350].

Басра мактабидан бирмунча кейин Ироқнинг бошқа бир шаҳри Куфада грамматиканинг иккинчи мактаби пайдо бўлди. Бу мактабнинг асосчиси ар-Руаси саналади, лекин унинг ҳеч қандай мероси сақланмаган.

Куфа мактабидан етиб келган энг қадимги ёдгорлик ал-Қиссайнинг «Халқ тилидаги ғализликлар ҳақида рисола» асари саналади. У Куфада туғилган, лекин қачон туғилганлиги номаълум. Ўз туғилган шаҳрида филологик маълумотга эга бўлгандан сўнг, янада чуқурроқ билимга эга бўлмоқчун Басрага Халил хузурига борди. Халил тавсияси билан жонли араб тилини ўрганиш учун бадавийлар ичига йўл олди. Шундай қилиб, у бадавий қабилаларининг жонли тилини пухта ўзлаштирди. Дастлаб Басрада, сўнг Бағдодда истиқомат қилиб, даврининг етук олимлари билан бир неча бор

шахсий баҳсларда иштирок этди. Ана шундай баҳслардан бири Сибавайҳий билан бўлиб ўтди ва бу баҳс ал-Қиссай фойдасига ҳал бўлди [14:280].

Куфа мактабининг сўнгги вакиллари билан бири Муҳаммад ал-Анбарий қарама-қарши маъноли сўзлар қакида йирик китоб яратди.

XI аср бошларига келиб, Басра ва Куфа мактаблари ўртасидаги рақобат тўхтади ва ҳар икки мактаб ютуқларидан баробар фойдаланадиган янги авлод дунёга келди. Араб филологияси маркази халифалик пойтахти бўлган Бағдодга кўчди. Бу ерда халифа саройида ҳар икки мактабга мансуб бўлган олимлар бир ёқадан бош чиқариб филологияни янги чўққиларга олиб чиқиш учун курашди [16:542].

Янги йўналишнинг йирик вакиллари билан Абдулла ибн Қутайба (828 йили туғилган), форс ад-Диновари (895 йили вафот этган), Усмон ибн Жиний (941 йили туғилган), турк Исмоил ал-Жавҳарий (тахминан 1000 йили вафот этган) ларни санаш мумкин.

Бу олимларнинг ҳаммаси қомусий билимга эга бўлиши билан ажралиб турадилар. Айниқса, Исмоил-ал-Жавҳарийнинг 40000 классик араб тили сўзларини ўз ичига олган «Саҳих» номли луғати катта шухрат қозонди. Бу луғат ал-Ҳалилнинг «Китоб-ул айн»идан ҳам, Муҳаммад Ибн Дурейднинг луғатидан ҳам сўзларни жойлаштириш ва сўз танлаш мезонлари жиҳатидан бир мунча афзалдир. Муаллиф сўзларни ўзак охиридаги ҳарфларга кўра алфавит тарзида жойлади. Шу вақтга қадар луғатчиликда сўзлар таркибидаги товушларнинг физиологик хусусиятига кўра ёки тематик принципда, борлиқдаги нарсалар қандай номланишига кўра жойлаштирилган эди [10:248]. Бу усул араб тилшунослигида унинг шогирдлари томонидан давом эттирилибгина қолмай, балки Оврупа лексикографиясига ҳам таъсир этди. Фақат Оврупа тилшунослигида сўзларнинг тескари томони – сўз бошидаги ҳарфларга қараб жойлаштириш одат тусига кирди. Шундай қилиб араб тилшунослиги, қадимги ҳинд ва грек – рим тилшунослиги каби, тил ҳақидаги фаннинг кейинги тараққиётига кучли таъсир кўрсатди. Бунини, жумладан, араб тилшунослигининг ундош, ўзак, аффиксация ва ички флексия ҳақидаги тушунчалари XVIII-XIX асрлар Европа тилшунослигига жумладан, Франс Боппга таъсирида, ёки уларнинг нутқ

товушларидаги овоз бериш ва қабул қилиши пайтларини фарқлашларнинг анча кейинроқ Бодуен де Куртенега фонемани фарқлашда корсатган таъсирида кўриш мумкин.

Жавҳарий луғати араб оламида катта шухрат топганлиги учун ҳам у «лексикология имоми» номини олди.

XI аср ўрталарига келиб феодал кучлар ўртасидаги тинимсиз кураш натижасида халифалик кучсизлашди ва бир қанча майда бўлақларга бўлиниб кетди. Бу даврда араб тилидан бошқа тилларга ҳам эътибор кучайди.

Маҳмуд Кошғарий «Девону луғатит турк» асарида бухоролик олимнинг тилидан Муҳаммад алайхи васалламнинг «турк тилини ўрганинг, чунки уларнинг ҳукмронлиги узок давом этади» деган ҳадиси бор эканлигини келтириши ҳам шу даврда туркий қавмларнинг ҳам нуфузи ортиб бораётганидан бир нишона эди.

Ана шундай тарихий шароитда Маҳмуд Кошғарий фан оламига кириб келди. Маҳмуд Кошғарий ўша даврдаги араб илмий маркази бўлган Бағдодда таълим олиб, Халилдан тортиб Жавҳарийгача бўлган олимларнинг илмий мероси билан чуқур танишди. Натижада уларнинг яхши жиҳатларини қалбига жо қилди.

Умуман олганда, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғатит-турк» асари тилшунослик тараққиёти учунгина эмас, тарих, адабиётшунослик, этнография, география каби кўплаб фанлар учун ҳам илмий ва амалий аҳамияти чексиз бўлган манбадир.

ХУЛОСА

Шарқда араб тилшунослиги тез суръатлар билан ривожланиб, Шарқ мамлакатларига тарқалди. Араб тилшунослари айниқса лексикографияга жиддий аҳамият берганлар ва жуда кўп луғатлар яратганлар. Араб лексикографиясида луғатлар мазмунига кўра 6 гуруҳга бўлинади: 1. Тўлиқ изоҳли луғатлар. 2. Мавзувий луғатлар. 3. Синонимлар луғати. 4. Ноёб сўзлар луғати. 5. Ўзлашган сўзлар луғати. 6. Таржима луғатлари. Араб лексикографияси шарқ мамлакатларига, кейинроқ Европа мамлакатларига ҳам катта таъсир кўрсатди. Луғат яратиш борасида араблар ўз она тилларидан ташқари форс, мўғул, туркий тиллар масалалари билан ҳам шуғулланганлар.

IX-XII асрларда Ўрта Осиёда миллий тафаккур юқори даражага кўтарилди. Айнан ушбу даврда Ўрта Осиё жуда кўп фанлар пойдевори, асосини яратган буюк алломалар дунёга келгани боис у бирламчи уйғониш даври деб ҳам юритилади. Буюк бобокалонларимиз бўлган Абу Райҳон Беруний, Мусо Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Ал-Фарғоний каби қомусий олимларнинг математика, кимё, геодезия, астрономия, тиббиёт, мусиқа, тарих, фалсафа каби қатор фанлар бўйича яратган асарлари жаҳоннинг дурдона асарлари сифатида бутун дунёда эътироф этилади [9:675]. Ушбу асарлар араб тилида ёзилгани, табиийки, араб тилининг амалий қўлланиши ва ривожига сезиларли таъсир қилган.

АДАБИЁТАР:

1. Алимжанова З. Н. Арабская лексикография. – Т.: ТашГИВ, 2011. – 112 с.
2. Белкин В.М. Арабская лексикология. –М.: Моск. Унв.1961. – 200 с.
3. Бодарий Д.Н. Мукамал сарф дарслиги. – Тошкент, Мовароунахр, 2004. – 584 б.
4. Гиргас В. Очерк грамматической системы арабов. – СПб.: Типография Императорской Академии Наук, 1873. - 203 с.
5. Звегинцев В.А. История арабского языкознания. Краткий очерк. – М.: МГУ, 1958. - 80 с.
6. Кононов А.Н., Нигматов Х.Г. Маҳмуд Кашгарский тюркских языках, - Т.: “Ўқитувчи”, 1969. – 324 б.
7. Крымский А.Е. Семитские языки и народы. изд.2-е. М., 1909-1912, с.350.
8. Маматохунова Д.К., Мирзиётов Ш.М. Араб филологиясига кириш. – Т.: ТошДШИ, 2010. – 164 б.
9. Нейматов Х. XI асрдаги туркий тилларнинг Маҳмуд Кошғарий томонидан қилинган таснифи. Ўзбек тили ва адабиёти. Т.: “Шарқ”, 1969. – 342 б.
10. Носирова М.А. Тилшунослик билимлари тарихи (Араб тилшунослиги). – Т.: ТошДПУ, 2011. -248 б.
11. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. - Т.: “Ўқитувчи”, 1972. – 365 б.
12. Фатеева М.Т., Шокирова З.И. Араб матбуот тили устида ишлаш. – Т.: ТошДШИ, 2004. – 102 б.
13. Флиштинский И.М. История арабской литературы. – М.: Наука, 1985. -525 с.
14. Шагал В.Е. Арабские страны: язык и общество. – М.: Вост. лит. РАН, 1998. -280 с.
15. Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. М.: Наука, 1985. – 172 с.